

الْمَلِكُ وَآلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، رَبِّ امْلِكْ خَيْرًا مَّا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ وَخَيْرًا مَّا بَعْدَهَا وَالْغَوْثُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ وَخَيْرًا مَّا بَعْدَهَا، رَبِّ اغْوِثْ بِنِكَ مِنَ الْكُفْلِ، وَسُوِّهِ الْكَبِيرِ، رَبِّ اغْوِثْ بِنِكَ مِنَ عَذَابِ فِي النَّارِ وَعَذَابِ فِي الْقَبْرِ.

Кечга етдик ва Оллоҳнинг (бутуни) мулки (хам) кечга етди. Ҳамду-сано ёлғиз Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқ бўлган ва шериги ҳам бўлмаган Оллоҳ учундир. Мулк, ҳамду-сано Унингдир ва У зот барча нарсага кодирдир. Раббим, сендан бу кундаги нарсаларнинг яхшисини ва бу кундан кейинги (кундаги) нарсаларнинг ҳам яхшисини сўрайман. Раббим, сендан бу кундаги нарсаларнинг ёмонлигидан ва бу кундан кейинги (кундаги) нарсаларнинг ҳам ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Раббим, менга дўзах ҳамда қабр азобидан паноҳ бергин.

Эрталаб бу дуо ўқилади:
«اللَّهُمَّ بِنِكَ أَحْبَبْتَ وَبِنِكَ أَسْتَبْتَ وَبِنِكَ نَحَيْتُ وَبِنِكَ تَشَرْتُ وَبِالْبَيْتِ الشَّرِيِّ»

Эй Оллоҳим! Сен(нинг ёрдаминг) билан тонгга етдик ва Сен(нинг ёрдаминг) билан кечга кирдик, Сен(нинг ёрдаминг) билан ҳаёт кечирамиз ва Сен(нинг изнинг) билан ўлаемиз. Ва (кнёмат кунда) қайта тирилмиш Сен(нинг хузуринг)гадир. Кечкурун бу дуо ўқилади:

«اللَّهُمَّ بِنِكَ أَحْبَبْتَ وَبِنِكَ أَسْتَبْتَ وَبِنِكَ نَحَيْتُ وَبِنِكَ تَشَرْتُ وَبِالْبَيْتِ الْمَمْنُونِ»

Эй Оллоҳим! Сен(нинг ёрдаминг) билан кечга кирдик ва Сен(нинг ёрдаминг) билан тонгга етдик, Сен(нинг ёрдаминг) билан ҳаёт кечирамиз ва Сен(нинг изнинг) билан ўлаемиз. Ва қайтиш Сен(нинг хузуринг)гадир. Ушбу дуо кечкурун уч марта ўқилади:

«اغْوِثْ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ الثَّمَنَاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ»

Оллоҳнинг мукамал-етук калималари ёрдамида У зот яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳланамиз.

НАМОЗДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

«استغفر الله» Оллоҳга истиғфор айтаман (уч марта)

«اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ، وَمِنْكَ السَّلَامُ، لَمْ يَخْتَلِكْ بِكَ ذَا الْخَلَاكِ وَالْإِحْرَامِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَمْ يَخْلُقْ وَآلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، اللَّهُمَّ لَا تَنْجِنَا لِنَا أَنْعَمْتَ وَلَا تُنْقِطِ لِنَا تَمَعْتَ وَلَا تَقْضِ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدَّ»

Эй Оллоҳим! Сен (айблардан) пок, саломатдирсан, ва саломатлик Сендандир. Эй буюклик ва қарам соҳибин бўлган зот, баракотли – буюқдирсан. Ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир ва Унинг шериги-да йўқдир. Мулк ва ҳамд-сано У зотга хосдир. Ва У барча нарсага кодирдир. Эй Оллоҳим! Сен ато этган нарсани тўсувчи ва Сен тўсган нарсани ато этувчи йўқдир. Улуғлик ё бойлик эгасига улуғлиги-бойлиги фойда бермайди. Ҳақиқий улуғлик Сендандир.

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَمْ يَخْلُقْ وَآلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ. لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَلَا تَعْبُدُ إِلَّا إِيَّاهُ، لَمْ يَخْلُقْ وَآلَهُ الْحَمْدُ وَاللَّهُ أَحْسَنُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصِينَ لَكَ مِنَ الْكُفْرِ الْكَافِرُونَ»

Якка Оллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир ва Унинг шериги йўқдир. Мулк ва ҳамд-сано У зотга хосдир. Ва У барча нарсага кодирдир. Куч-қудрат ёлғиз Оллоҳ (ёрдами) биландир. Оллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир. У зотнинг ўзингагина ибодат қиламиз. Фазлу неъмат ва гўзал ҳамду санолар У зот учундир. Оллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ, гарчи кофирлар исташмаса-да, У зот учун динни холис қилган (ҳолда ибодат қиламиз).

- Оллоҳ покдир (33) **«سُبْحَانَ اللَّهِ»**
- Ҳамд Оллоҳ учундир (33) **«الْحَمْدُ لِلَّهِ»**
- Оллоҳ буюқдир (33) **«اللَّهُ أَكْبَرُ»**

Юзинчисида ушбу дуо ўқилади:

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَمْ يَخْلُقْ وَآلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ»

Оллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир ва Унинг шериги йўқдир. Мулк ва ҳамд-сано у зотга хосдир. Ва у барча нарсага кодирдир. Кимки бу дуони ҳар намоздан кейин айтса, унинг гуноҳлари кечирилади, гарчи гуноҳлари денгиз кўпигидек (кўп) бўлса ҳам. Сўнгра оятул курсий ўқилади. Кимки буни ҳар намоздан кейин ўқиса, уни жаннатга киришдан ўлимгина тўсиб туради.

«إِنَّ اللَّهَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ...» سورة البقرة 255

Кейин ушбу суралар бир бора, бомлод ва шом намозидан кейин эса уч мартадан ўқилади:

«قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ...» «قُلْ الْغَوْثُ بِرَبِّ الْقَلْبِ...» «قُلْ الْغَوْثُ بِرَبِّ الشَّامِ...»

Бомлод ва шом намозидан кейин ўн марта ўқилади:

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَمْ يَخْلُقْ وَآلَهُ الْحَمْدُ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ»

Якка Оллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир ва Унинг шериги йўқдир. Мулк ва ҳамд-сано У зотга хос бўлиб, ўлдиргувчи ва тирилтиргувчи Ўзидир. У барча нарсага кодирдир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Оллоҳга тасло айтади:

«إِنَّا نُكْرِمُكَ لِذِكْرِكَ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ» سورة البقرة 157

«Бас мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз!»

ХАДЯ

МУСУЛМОННИНГ КУНДАЛИК

ЎҚИЙДИГАН ДУОЛАРИ

أذكار المسلم اليومية باللغة الأوزبكية

ЭРТАЛАБ ВА КЕЧКУРУН ҲИЖРАДАН ДУОЛАР

Шайтондан сақловчи кўрган бўлувчи ушбу оят эрталаб, кечкурун ва уйку олдидан бир марта ўқилади:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَّهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ﴾ سورة البقرة 255

«Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик абадий турғувчидир. Уни на мудрок, на уйку олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурда ҳеч ким (бировни) Унинг изиниси оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдидаридаги ва орқаларидаги бор нарсаларни билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Узи истаган нарсаларинигина билдилар. Унинг қурбани осмонлар ва ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва ерни ҳифоу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюкдир».

Қуйидаги ҳар бир сура эрталаб-кечкурун уч мартадан ўқилади:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ، اللَّهُ الصَّمَدُ، لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ، وَأَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

(Эй Мухаммад), айтнинг: «У – Оллоҳ Бирдир. Оллоҳ (барча хожатлар билан) қўлангувчидир (яъни барча хожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир (яъни Оллоҳнинг ўғил – кизи ҳам, ота – онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿قُلْ أَغْوَدُ بِرَبِّ الْفَلَقِ، مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ، وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ، وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ، وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ﴾

(Эй Мухаммад), айтнинг: «Мен тонг Парвардигоридан (менга) Узи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам солувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадқўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб ялтижо қилурман».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿قُلْ أَغْوَدُ بِرَبِّ السَّمَاءِ، فَبِكَ السَّمَاءِ، إِلَهَ السَّمَاءِ، مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَاسِ، الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ، مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ﴾

(Эй Мухаммад), айтнинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) Узи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (качон Оллоҳнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб ялтижо қилурман».

Кимки бу дуони эрталаб ва кечкурун ўқиса ва шу кечада ёки кундузда вафот топса, жаннатга киради:

﴿اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ أَغْوَدُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقْتَ نَفْسِي وَأَنْتَ الْغَوْدُ بِكَ مِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ وَرَجِيمِهِ، وَأَنْتَ أَقْرَبُ عَلَيَّ نَفْسِي شَوْءًا، أَوْ أُخْرَةُ إِلَيَّ سَلِيمٌ﴾

Эй Оллоҳим! Сен менин Раббимсан, Сендан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир. Сен мени яратгансан, мен Сеннинг қулиман. Мен қурбим етганича Сеннинг аҳд-паймониинг

ва ваъданга турибман. Қилган ёмон ишларимдан паноҳ беришингни Сендан сўрайман. Менга берган нисматларингни ҳам, қилган гуноҳларимни ҳам эътироф этаман. Менинг (гуноҳларимни) кечиргин. Албатта, гуноҳларни Сен ўзинггина кечирсан.

Бу дуо эрталаб, кечкурун ва ухладан олдин ўқилади:

﴿اللَّهُمَّ إِلَهِي أَسْأَلُكَ الْقَوَّ وَالْقَابَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، أَلْتَهُمْ إِلَى أَسْأَلِكَ الْقَوَّ وَالْقَابَةَ فِي دِينِي وَدَوْلَاتِي، وَأَهْلِي وَوَالِدِي، أَلْتَهُمْ اسْمَ غُزَّيِّي، وَأَمِنْ رُؤْعَانِي، أَلْتَهُمْ اخْفَظْنِي مِنْ تَبَنِي يَدَيَّ وَمِنْ خَلْقِي وَعَنْ نَبِيِّي وَعَنْ شَيْئَالِي وَمِنْ قُوَّتِي وَأَغْوَدُ بِعَفْوَتِكَ أَنْ أَقْدَلَ مِنْ لِحْيَتِي﴾

Эй Оллоҳим! Мен Сендан гуноҳларимни кечиршинингни ва дунёю охирадга соғ-саломатлик, тинч-хотиржамликни сўрайман. Эй Оллоҳим! Сендан гуноҳларимни кечиршинингни ва динимда, дунёимда, оқламда ва мол-давлатимда соғ-саломатлик, тинч-хотиржамликни сўрайман. Эй Оллоҳим! Менинг айбларимни яширгин ва қалбимни (кўрқувдан) хотиржам қилгин. Эй Оллоҳим! Мени олдимдан ҳам, ортимдан ҳам, юқори тарафимдан ҳам ўзинг сақлагин. Сеннинг буюклигинг ҳақи, ўз остимдан менга ҳалокат етишиндан (ер ютишиндан) паноҳ беришинингни сўрайман.

Ушбу дуо эрталаб ва кечкурун ўқилади:

﴿اللَّهُمَّ غَايِبِ الْقَبْرِ وَالشَّهَادَةِ فَاطِرَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، رَبِّ كُلِّ شَيْءٍ وَمَلِيكَهُ، أَحْسَبُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، أَغْوَدُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي، وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ وَرَجِيمِهِ، وَأَنْتَ أَقْرَبُ عَلَيَّ نَفْسِي شَوْءًا، أَوْ أُخْرَةُ إِلَيَّ سَلِيمٌ﴾

Эй Оллоҳим! Гайб ва шаҳодатни (яширин ва ошвор нарсаларни) билгувчи, осмонлар ва ерни йўқдан бор этган зот! Ҳамма нарсанинг Рабби ва Подшоҳи! Сендан ўзга ҳақ маъбуд йўқ, деб гувоҳлик бераман. Сендан нафсимнинг

ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан ва уни (Сенга) шерик қилишдан ҳамда ўзимга ёки бирор мусулмонга ёмонлик қилишимдан паноҳ беришингни сўрайман. Ушбу дуолаб эрталаб ва кечкурун уч мартадан ўқилади:

﴿وَحَيْثُ بَدَأَ رَبِّي، وَالْإِسْلَامَ دِينًا، وَبِحَسْبِهِ عِلْمٌ﴾

Раббим Оллоҳ, диним илом, пайгамбарим Мухаммад ﷺ, деб рози бўлдим.

﴿بِسْمِ اللَّهِ الَّذِي لَا يَحْزَنُ مَعَ شَيْءٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

Унинг номи билан еру осмондаги бирор нарса зарар бера олмайдиган Зотнинг номи билан (бошлайман). У зот Эшитувчи ва Билгувчидир.

Эрталаб ушбу дуо ўқилади:

﴿سَمِعْتَهُ وَأَسْمِعُ الْمَلَكُ لِلَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، اللَّهُ الْمَلِكُ وَالْمَلِكُ وَهُوَ عَلَيَّ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، رَبِّ أَسْأَلُكَ حَتَّى مَا فِي هَذَا النَّوْمِ وَحَتَّى مَا بَعْدَهُ وَأَغْوَدُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا فِي هَذَا النَّوْمِ وَحَتَّى مَا بَعْدَهُ، رَبِّ أَغْوَدُ بِكَ مِنَ الْكَسَلِ، وَسَوْءِ الْكَبْرِ، رَبِّ أَغْوَدُ بِكَ مِنْ غَدَابِ فِي النَّارِ وَغَدَابِ فِي الْقَبْرِ﴾

Биз тонгта етдик ва Оллоҳнинг (бутун) мулки (ҳам) тонгта етди. Ҳамду-сано Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқ бўлган ва шериги йўқ бўлган Оллоҳга хождир. Мулк, ҳамду-сано У зот учундир ва У зот барча нарсага қодирдир. Раббим, сендан бу кундаги нарсаларнинг яхлисини ва бу кундан кейинги (кундаги) нарсаларнинг ҳам яхлисини сўрайман. Раббим, Сендан бу кундаги нарсаларнинг ёмонлигидан ва бу кундан кейинги (кундаги) нарсаларнинг ҳам ёмонлигидан паноҳ беришинингни сўрайман. Раббим, менга дўзах ҳамда қабр азобидан паноҳ бергин. Кечкурун ушбу дуо ўқилади:

﴿سَمِعْتَهُ وَأَسْمِعُ الْمَلَكُ لِلَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، اللَّهُ